БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 32 (3831)
8 ФЕВРАЛЬ 1979 й. ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади. Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

● Қурилиш майдонида

АПРЕЛЬ ОЙИ ҲИСОБИГА

Тошкент шаҳар қурилиши Бош бошқармасига қарашли 8-қурилиш тресті 4-қурилиш бошқармасининг Валерий Феоктистов бошчилик қилаётган комплекс бригадаси ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида зарбдор меҳнат қиляпти. Коллектив шаҳримизнинг Сапёрлар майдонида Тошкент бош плани лойиҳаси илмий-текшириш институтининг Б. Азимов бошлиқ архитекторлари яратган лойиҳа бўйича республика пахта тозалаш саноати министрлигига қарашли марказий лойиҳа конструкторлик бюросининг 9 қаватли биносини қуряпти.

1979 йилнинг апрель ойи ҳисобига ишлаётган бригаданинг А. Раникман, И. Князкин, Н. Зоҳидов каби меҳнатсевар қурувчилари кунлик нормани 140—150 процентдан бажаришяпти. Коммунистик меҳнат коллективи деган номга сазовор бўлган бу бригада бинони муддатидан илгари фойдаланишга топширишга қарор қилган.

А. ХУДОЙҚУЛОВ.

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

1979 йил 4 МАРТ ЯКШАНБА — СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР КУНИ

612-Фарғона сайлов округи меҳнаткашларининг вакиллари шу округдан СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзод — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Леонид Иванович Греков билан учрашдилар.

Учрашув қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг мамлакат сайловчиларига, барча гражданларига Мурожаати туфайли меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати кучайиб кетганлиги тўғрисида, партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорларини амалга ошираётган округ меҳнаткашлари сайловга тайёргарликни қандай муваффақиятлар билан нишонлаётганликлари ҳақида гапирдилар.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Тошкент-Ленин сайлов округида — Тошкент Тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Дилбар Баратовна Қулматова ўз сайловчилари билан учрашди.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАРНИ ЯНГИ МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ БИЛАН НИШОНЛАЙЛИК!

АМАЛИЙ ЖАВОБИМИЗ

Фабрикамиз меҳнат аҳли йилдан-йилга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириб бормоқда. Жумладан, ҳозирги кунда меҳнат унумдорлигини 1975 йилга нисбатан 37.5 процентга ўстиришга муваффақ бўлдик. Бугунги кунда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий ҳажмига фақат меҳнат унумдорлигини ўстириш туфайли эришяпмиз.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг барча сайловчилари, гражданларига Мурожаати коллективимизни янги марралар сари илҳомлантириб юборди. Кўплаб ишчиларимиз шахсий мажбуриятлар қабул қилишди. Жумладан, Л. Попова, М. Хайитова каби ўнлаб ишчилар биринчи квартал топшириғини СССР Олий Советига сайловлар кунигача бажаришга аҳд қилишди. Мен ҳам ўз зиммамга ана шундай мажбурият қабул қилдим.

Мурожаатдан илҳомланган коллективимиз эса СССР Олий Советига сайловлар кунини муносиб кутиб олиш билан бирга, беш йиллик топшириқни В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигигача бажаришга аҳд қилди.

М. ҚОДИРОВА,
тўқимачилик-галантерел фабрикасининг ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

«Узсельхозтехника»нинг Тошкентдаги тажриба-ремонт механика заводида тайёрланаётган гидравлик прессларни фақат республикамизда эмас, балки бир қатор чет эл мамлакатларидаги қишлоқ хўжалик ходимлари ҳам яхши билишади. Корхона коллективи бу харидоргир буюмдан тобора кўпроқ тайёрлашга интиляпти. Бунда 1982 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараётган зарбдор слесарлар (суратда: чапдан-ўнгга) В. Корошенков ва Т. Мирзаев ўртоқларнинг муносиб ҳиссаси бор.

ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА

Ишдаги ўртоқларимни беш йиллик мобайнида меҳнат унумдорлигини ишчиларнинг сифат кафолати билан икки баравар кўпайтиришга даъват этган донгдор фрезерчи Альбина Девятованинг издошлари заводда минг-минглаб топилади. Девятова сингари кишилар КПСС Марказий Комитетининг сайловолди Мурожаатида айтилган ишлаб чиқариш потенциалини ривожлантиришдаги ўша баҳодирона одимни реал воқеликка айлантирдилар. Шу хужжатда аввалги сайловдан ўтган вақт ичида маҳсулот ўсишининг сал кам бешдан тўрт қисми меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан олинганлиги тўғрисида ёзилган сатрларини ўқир эканман ҳаққоний ифтихор туйғуларини ҳис этасан.

Бизнинг кўп минг кишилик коллективимиз Тошкент самолёти яхшироқ бўлиши, уни қуриш учун камроқ иш соати сарфланиши, ҳар бир деталь, ҳар бир узел биринчи тақдим этишдаёқ топширилиши учун кейинги йилларда кўп ишларни бажарди. — Коммунистлар билан партиясизларни, ёшлар билан ветеранларни, ҳаммани совет кишилари учун ягона бўлган муштарак мақсад, яъни зарбдор меҳнат билан Ватаннинг қудратини мустаҳкамлаш, совет халқи фаровонлигини оширишга ҳисса қўшиш мақсади бирлаштириб турибди. Жонажон партиямиз сиёсатининг мақсади ҳам худди шундай. Партиясиз мен ҳам коммунист ўртоқларим билан биргаликда сайловда мамлакатимиз бундан буён ҳам гуллаб-яшнаши учун, совет жамияти бундан буён ҳам жаҳонга инсон тўғрисида, ер юзида тинчлик ҳақида ғамхўрлик қилиш намунасини кўрсатавериши учун овоз бераман.

Тоҳир МУСЛИМОВ,
Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси, «Ҳурмат Белгиси» ордени кавалери.

ЮКСАК СУРЪАТ БИЛАН

Қўйлиқдаги 4-дон маҳсулотлари комбинати коллективи КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленуми қарорларини оғишмай амалга ошира бориб, янгидан-янги меҳнат зафарларини қўлга киритмоқда.

Маҳсулот реализация қилиш бўйича 1979 йилнинг январь ойи топшириғини муддатидан илгари адо этган корхона меҳнат аҳлининг

БУГУН

планга қўшимча ишлаб чиқарган маҳсулоти 160 минг сўмликдан ошиб кетди.

СССР Олий Советига сайловлар муносабати билан авж олган социалистик мусобақада Н. Каюков, А. Шокиров, Т. Бондаренко, Л. Хусаинов, Л. Лобашова кабилар карвонбошилик қилишяпти.

УЧ БРИГАДА ТАШАББУСИ

Тошкент шаҳри ва пойтахт области корхоналарининг уч комсомол-ёшлар бригадалари коллективлари қимматли ташаббус бошладилар. ВЛКСМ XVIII съездининг делегатлари Ҳусан Ҳошимов, Александр Коновалов ва Пўлат Асроров бошлиқ «Ташсельмаш», Чирчиқдаги 160-қурилиш тресті ва Бўка районидаги Тимирязев номли колхознинг комсомол-ёшлар бригадалари коллективлари В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини ва СССР халқ хўжалигини ривожлантириш биринчи беш йиллик плани қабул қилинганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида «Биринчи беш йиллик қаҳрамонлари —бизнинг сафимизда!» деган шиор остида мусобақа бошлашни таклиф қилдилар.

Комсомол-ёшлар бригадалари составларига биринчи беш йилликнинг зарбдорлари фахрли аъзо қилиб киритилган. Комсомоллар ўша алангали йилларда ўзининг меҳнати билан шон-шуҳрат таратган дастлабки қаҳрамонлар шарафига меҳнат унумдорлигини ошириш, резервлардан янада тўлароқ фойдаланиш, илғор метод усулларини тадбиқ этиш мажбуриятини олдилар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўртоқ Л. И. Брежнев Химия саноати министрлигининг Олмалиқ химия заводида мураккаб ўғитлар ишлаб чиқариш комплексини қуриш ва ўзлаштиришда қатнашган химиклар, қурувчилар, монтажчилар, машинасозлар, лойиҳачилар коллективларини ва унинг барча иштирокчиларини комплекс минерал ўғитлар ишлаб чиқариш соҳасида Ўрта Осиёдаги йирик, замонавий корхона— Олмалиқ химия заводини ривожлантиришда эришилган катта муваффақиятлар билан қизғин ва самимий табриклайди.

● СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг ташқи ишлар комиссияларининг қўшма мажлиси ҳақида ҳисобот эълон қилинган.

● СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин илмий-техника ҳамкорлиги бўйича Совет —Америка қўшма комиссиясининг олтинчи сессиясида қатнашиш учун Америка делегациясига бошлиқ бўлиб Москвага келган АҚШ президентининг фан ва техника масалалари кенгашчиси Ф. Прессни 6 февраль куни Кремлда қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат давомида ўзаро илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги ишларнинг аҳволи кўриб чиқилди, умуман бу соҳада қилинган ишларга ижобий баҳо берилди.

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — ШИОРИМИЗ

Заводнинг янги лабораторияси

Шаҳримиздаги шина ремонти заводида яқинда янги лаборатория фойдаланишга топширилди. У замонавий жиҳозлар ва техника воситалари билан таъминланган. Бу ерда мутахассислар корхонага келтирилаётган хом ашё маҳсулотларининг сифатини текширади, тайёр маҳсулотни назорат қилишади.

Шина ремонтчилар меҳнатлари халқ хўжалиги учун муҳим аҳамият касб этаётганлигини яхши англашяпти. Шунинг учун ҳам улар ўтган йилдагидек бу йил ҳам зарбдорона меҳнат қилишга, КПСС XXV съездида сифат ва самарадорликни ошириш бўйича олдинга қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга интилишяпти. Ўтган йилни ремонтчилар 55 минг шинани ремонт қилиш, 340 минг сўмликдан ортиқ эҳтиёт қисмлар тайёрлаш билан якунлаганди. Коллектив январь ойи топшириғини ҳам муваффақиятли адо этди. Буюртмачиларга 4500 та ўрнига 5 мингта шина юборилди.

Корхонада ишчилар ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада силлиқловчилар Неъмат Ҳикматов, Ориф Мираҳмедов, вулканизатор Рўзи Содиқов, прикатчик Зоир Азимовлар кўпчиликка намуна бўлиб, смена топшириқларини мунтазам 115— 120 процент адо этишмоқда.

Шу кунларда заводда вулканизаторлардан ҳар куни 230 — 235 та шина тушириб олиняпти.

● УЙ МУБОРАК!

144 ОИЛА ҚУВОНЧИ

Яқиндагина Фрунзе районидаги Абдулла Қаҳҳор кўчасида тўртда тўрт қаватли турар-жой биноси қурилиши бошланган эди. Аввал, бу ердаги икки бино фойдаланишга топширилди.

БУГУН

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»-ГА ҚАРАШЛИ 153-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ 14-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ БУНЁДКОРЛАРИ НАВБАТДАГИ УЧИНЧИ УЙНИ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗГА ТУҲФА ЭТДИЛАР. Объектни бошқарманинг В. Христодулло ва В. Румянцев бошчилигидаги комплекс бригадалари қурди. Бинонинг «яхши» баҳо билан фойдаланишга топширилишида шу трестнинг 12-бошқармаси пардозловчиларининг ҳиссаси катта бўлди.

Ҳозир ҳамшаҳарларимизга туҳфа этилган учта уйда 144 оила уй тўйларини ўтказяпти.

М. ФЕЛЬДМАН.

Лариса Юдаева «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг нотўқима матолар участкасида ишлайди. У ўнинчи беш йиллик топшириғини 3,5 йилда бажаришга аҳд қилган. Илғор ишчи ҳозир ўз ваъдасини бажариш арафасида турибди.

СУРАТДА: коммунистик меҳнат зарбдори Лариса Юдаева.

М. Нуриддинов фотолари.

БИНОКОРЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА

● СИФАТГА ЭЪТИБОР

«Узглавстройревпром»га қарашли «Тошкент» ёғочни қайта ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлган эди. Дурадгорлар бу йил ҳам юксак иш суръати ва сифатига эришиш ниятида иш вақтидан, машина ҳамда механизмлардан унумли фойдаланишяпти. Бинокорлар ўртасида бошланган меҳнат беллашувида Валентина Найко, Юлия Печенкина, Мавлон Қорабоев бош бўлган бригадаларнинг коллективлари пешқадамлик қилишаётир. Бу бригадаларнинг аъзолари шу кунларда йилнинг сўнгги ойлари ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

— Агар биз дурадгорлик буюмларини сифатли ишлаб чиқарсак, қурувчилар бунёд этаётган иншоотлар ҳам сифатли бўлади, — дейди бригада бошлиғи Мавлон Қорабоев. — шу сабабли ҳам бригадамизнинг ҳар бир аъзоси бирлашмада бошланган юксак сифат учун курашда актив иштирок этмоқда.

● 1979 йил—Халқаро болалар йили

Фарзандларга атаб

«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг болалар кийимлари тайёрланадиган цехи коллективи кичкинтойлар учун замонавий моделдаги кийим-кечаклар тайёрлаш борасида жонбозлик кўрсатмоқда. Шу кунларда мазкур цехда ўндан ортиқ моделдаги болалар кийимлари тикиляпти. Шундан иккитаси — «Т-3215», «Т-4419» моделдаги кўйлаклар фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқарилмоқда.

Халқаро болалар йили муносабати билан чеварлар яна бир неча хил янги моделдаги болалар кийимларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришди. Шундан иккитаси эса давлат Сифат белгиси аттестациясига тайёрланмоқда.

СССР Олий Советига сайловлар муносабати билан авж олган социалистик мусобақада цехнинг Малика Акбарова, Дилбар Исломова, Салима Исаева, Маъсуда Раҳмонбердиева, Манзура Каримова каби чеварлари пешқадамлик қилишиб, фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлаб беришяпти. Бу чеварларнинг шахсий меҳнат календарларида 1980 йилнинг биринчи ва иккинчи кварталлари давом этяпти.

Цех коллективи йиллик планни 20 декабргача бажариб, планга қўшимча 150 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга бел боғлаган.

М. АБДУЛЛАЕВА.

ҚИШ МАВСУМИ УЧУН

1-пойафзал фабрикасининг 7-цехи коллективи қиш мавсуми учун мўлжалланган ичи момиқ ботинкалар ишлаб чиқаради. Ҳозир цехда уч хил моделдаги пойафзалнинг иккитаси давлат Сифат белгиси билан тайёрланяпти. Бу йил коллектив фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқарилаётган буюмларни маҳсулотнинг умумий ҳажмида 50 процентга етказиш учун интиляпти.

Цехда январь ойи топшириғи барча кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан адо этилди. Савдо тармоқларига 4.5 минг жуфтдан ортиқ пойафзаллар жўнатилди.

Цех коллективи ўтган йили корхонадаги социалистик мусобақада уч марта совринли ўринларни эгаллаганди. Бу йилги меҳнат суръати ҳам кўнгиллагидек. Бу ердаги ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилган машъал тикувчи С. Сиддиқов, у билан бир сафда меҳнат қилаётган Ш. Каримов, М. Ҳошимов каби меҳнат илғорлари смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этишяпти. Фахрли беш қиррали белгиси бўлган «210-3», «13-41» моделли пойафзалларни шу йигитлар тайёрлашади. Уларга шахсий белги билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқи берилган.

● Диққат, янгилик

ЯНГИ АВТОМАТ ЛИНИЯ

Тошкент сут саноати бирлашмасида бетўхтов ишловчи янги автомат линия ўрнатилди. У 11 процентли парҳез твороги ишлаб чиқаради ва қадоқлайди. Замонавий технология комбинатга маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда оғир қўл меҳнатини камайтириш имконини беряпти.

Шу йил охиригача савдо тармоқларига 400 тонна янги хилдаги маҳсулот етказиб берилади.

ЎТМИШ ОБИДАСИ ТИКЛАНЯПТИ

Республика Маданият министрлигига қарашли махсус илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонасининг коллективи шаҳримиздаги ўтмиш ёдгорликларини қайта тиклаш устида иш олиб боряпти. Айниқса, Кўкалдош мадрасаси ёнидаги Жомий масжидини тиклашга алоҳида эътибор берилияпти.

Жомий масжиди 1530 йилда қурилган бўлиб, йиллар ўтиши билан тамомила яроқсиз ҳолга келган эди.

Ёдгорликни тиклаш ишларини А. Солиев бошчилигидаги комплекс бригада аъзолари олиб боришяпти.

БУГУН

моҳир ғишт терувчилар Т. Нишонбоев, Н. Охунжонов ва И. Авазовлар кунлик иш ҳажмини икки ҳисса ошириб бажаришга эришдилар. Коллектив таъмирлаш ишларини «аъло» сифат билан бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Чунки ўтмиш меъморчилик обидаси ўзининг кўрки ва салобати билан яна кўп йиллар шаҳримиз ҳуснига-ҳусн қўшиши таъмирчилар меҳнатига боғлиқ.

Жомий масжидини қайта бунёд этишда Қибрай ғишт заводининг маҳсулотидан кенг фойдаланилмоқда. Ўтган йили объектни тиклашда 30 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлса, бу йил камида 170 минг сўмлик иш бажарилади.

А. АЛИМОВ.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ЭРОНДА СУРОНЛИ ВОҚЕАЛАР ДАВРИ

Шоҳга қарши ҳаракатнинг кучайиши, шоҳнинг чет элга жўнаб кетиши, унинг ноиблик кенгашини ва бош министр Бахтиёрни тайинлаши, сиёсий диний оппозиция раҳбари Оятилло Хумайнининг мамлакатга қайтиб келиши ва ниҳоят аҳолининг аслида бирон кун ҳам тинмаётган оммавий намойишлари сингари суронли воқеалар ривожи Эроннинг энг янги тарихида ҳали ҳеч бўлмаган эди.

Аввал бошда шоҳ режимининг тарафдорлари шоҳнинг мамлакатдан «даволаниш» учун жўнаб кетиши кескин вазиятни бирмунча юмшатадиган бир иш бўлади, деб умид қилган эдилар. Аммо бундай бўлмади. Худди кутиш мумкин бўлганидек шоҳга қарши, империализмга қарши оппозицион ҳаракат тарафдорларининг ғалаёнлари шоҳ кетганидан кейин бўшашмади, балки аксинча, кучайиб кетди. Оятилло Хумайни муҳожирликдан Теҳронга қайтиб келиши муносабати билан пойтахтнинг минг-минглаб аҳолиси унга пешвоз чиққанлигини кузатувчилар «мисли кўрилмаган иззат-икром» деб таърифладилар. Бу иззат-икром оппозициячи ҳаракат кучайганининг яна бир далили бўлди.

Айни вақтда Америкага қарши шиорлар остидаги оммавий намойишлар ҳам кучайди. Шундай бўлиши ҳам табиий эди, чунки айни АҚШ узоқ вақтдан бери Эронни Яқин ва Ўрта Шарқда ўзига хос гумашта ролини ўйнашга мажбур қилиб келган эди, ҳозир эса АҚШ воқеаларнинг ривожини ўзига мақбул келадиган йўлга солиб юбориш учун зўр бериб ҳаракат қилмоқда.

Хумайни келиши билан ҳақиқий куч ҳокимиятчилик белгилари янада равшанроқ намоён бўлди. Уларнинг бири Бахтиёр кабинети бўлса, иккинчиси аввало Оятилло Хумайни бошчилигидаги кенг оппозицион фронтдир. Оппозиция раҳбари шоҳнинг халқ манфаатларига зид режими ҳокимиятини бирон-бир тарзда эътироф қилишни хоҳламаяпти. У шох ҳокимиятини қонунга хилоф деб ҳисоблашини неча марталаб айтди. Хумайни ўз ватанида ўтказилган биринчи матбуот конференциясида ўзи тузган ислом революцион кенгашининг составини яқин вақт ичида эълон қилинишини билдирди. Кенгаш тайинлайдиган мувақкат ҳукумат Эрондаги ишларнинг аҳволи учун масъулиятни ўз зиммасига олади.

Ҳукмрон Бахтиёр кабинети оппозицияни ўз тарафига оғдириб олиш йўлидаги уринишлари барбод бўлганидан кейин, чамаси, армия юқори табақасининг мададигагина умид боғламоқда ва душман лагерига ихтилоф уруғини сочишга интилмоқда. Бу ишларнинг натижаси нима бўлиб чиқиши яқин вақтларда маълум бўлади.

С. СТОКЛИЦКИЙ,
ТАСС шарҳчиси.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ТЎРТИНЧИ ЙИЛИДА ЗАРБДОР МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ

> «Планнинг муддатидан илгари бажарилиши учун оғишмай интилиш керак.»
>
> В. И. ЛЕНИН.

Октябрь, Чилонзор ва Акмал Икромов районлари меҳнаткашларининг 1979 йилга қабул қилган ўзаро социалистик мусобақаси тўғрисида ШАРТНОМА

Партиямизнинг XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленумининг тарихий қарорлари, СССР Олий Советига сайловларга тайёргарлик мусобақадош районлар меҳнаткашларининг ғайрат ва шижоатини ошириб юборди.

Тошкентнинг Октябрь, Чилонзор ва Акмал Икромов районлари меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш ишига салмоқли ҳисса қўшишга қатъий аҳд қилишган.

Шаҳардаги Октябрь, Чилонзор ва Акмал Икромов районлари меҳнаткашлари беш йилликнинг тўртинчи йили планларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, 1979 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар.

Октябрь ва Чилонзор районлари меҳнаткашлари ўртасида социалистик мусобақа бўйича тузилган шартнома коллективларни ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга, оз маблағ ва моддий воситалар сарфлаб, юксак натижаларга эришишга жалб этишда таъсирчан восита бўлди. Бу районлардаги саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналарининг хўжалик-иқтисодий фаолияти мисолида кўриниб турибди. Жумладан, Октябрь районининг индустриал ходимлари 18 декабрда беш йилликнинг учинчи йили планини бажардилар. Бу уларга планга қўшимча 7 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш ва реализация қилиш имконини берди.

БАРЧА РЕЗЕРВЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Кўпгина меҳнат коллективлари фақат давлат топшириқларинигина эмас, балки муқобил планларни ҳам, социалистик мажбуриятларни ҳам муддатидан илгари уддалади. Меҳнат беллашувида айниқса «Средазэнергоцветмет» корхоналари, тикувчилик бирлашмаси, «Тошкентпиво» бирлашмаси, мебель тажриба техника заводи, бадиий буюмлар фабрикаси, спорт буюмлари, чўтка фабрикаси каби корхоналар айниқса юксак натижаларга эришдилар.

Фақат ўтган йилнинг ўзида юзлаб янги буюмлар ўзлаштирилди. Ҳозирги вақтда районда 130 хилга яқин буюм фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқариляпти.

Корхоналарда ва ташкилотларда тежамкорлик режимига амал қилиш кучаяпти. Натижада 2 миллион киловатт-соатдан ортиқ электр қуввати, 4 минг тоннага яқин шартли ёнилғи, 150 тонна қора ва рангли металл тежалди.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари коллективлари 48 миллион сўмлик асосий фондларни ишга туширдилар. 159-қурилиш трести ва «Ташинжстрой» трести қурувчилари яхши меҳнат қилиб, план топшириқларини анча ошириб бажардилар. Районни қуриш ва обод қилишга «УзНИИПградостроительство», архитектура бош бошқармаси ва уларнинг институтлари — «Ташгипрогор», «ТашГИИТ» салмоқли ҳисса қўшди. Ҳозирги пайтда районнинг қурилиш ташкилотларида 77 коллектив Н. Злобиннинг бригада пудрати методида ишлаяпти.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари товарооборот планини 1.575 минг сўмга ошириб адо этдилар.

Бироқ, районнинг меҳнат коллективлари беш йилликнинг тўртинчи йилида олдинга қўйилган вазифаларни КПСС Марказий Комитети ноябрь (1978 йил) Пленуми талаблари билан таққослаб, мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланишга интилишяпти. Жумладан, «Сувенир» фабрикасида ойлик ишлаб чиқариш ҳажмининг 50—80 процентини миқдоридаги маҳсулот учинчи ўн кунликда тайёрланади. У ерда ҳамон биронта ҳам буюм давлат Сифат белгиси билан тайёрланаётгани йўқ. 3-йирик панелли уйсозлик заводида, картон ва қоғоз буюмлар фабрикасида ишлаб чиқариш бир маромда ташкил этилмаган. 3-йирик панелли уйсозлик заводида, «Матбуот» бирлашмасида асосий ишлаб чиқариш фондларидан етарли фойдаланилмаяпти.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», «Узгипроводхоз»нинг қурилаётган объектлари бирлашган дирекцияларида капитал маблағларни ўзлаштиришда аҳвол яхши эмас. Улар асосий фондларни ишга тушириш планларининг бажарилишини таъминламадилар. Шу пайтгача Марказ—14, Марказ—26 кварталларида 159-қурилиш трести қурган турар жой биноларидаги нуқсонлар ҳамон бартараф этилмаган.

Ишнинг манфаатлари беш йилликнинг янги йилида корхоналар, қурилишлар, ташкилотларнинг коллективлари бир маромда ишлаб, оз моддий-техника харажатлари билан план топшириқларининг бажаришини тақозо этади. Ахир, 1979 йилда Октябрь райони меҳнаткашлари планга қўшимча 6 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришлари, саноат ишлаб чиқаришнинг 5.3 процент ўсишини таъминлашлари, маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг 85 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришишлари лозим. Қурувчилар ва монтажчилар катта ишларни бажаришлари керак. Улар белгиланган муддатда кўн-галантерея буюмлари ва спорт буюмлари, 3-йирик панелли уйсозлик комбинати, 1-шаҳар шифохонасининг кордиология корпуси, Пионерлар саройини қуриб туаллашлари лозим.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун қурувчилар, лойиҳачилар, буюртмачилар — объектларни қуришда кимлар қатнашаётган бўлса ҳамманинг амалий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш зарур. Белгиланган планларни бажаришда бригада хўжалик ҳисобини, қурилишни узлуксиз планлаштиришнинг Орловск методини, меҳнатда илғор тажрибаларни актив жорий этиш оқилона йўлдир.

Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг 1979 йилдаги плани рекорд миқдорни — 6,1 миллион сўмни ташкил этади.

Чилонзор райони меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи йилини юксак натижалар билан якунладилар. Партия-хўжалик активи йиғилишида шу ҳақда гап борди. Чилонзорликлар йиллик планга қўшимча 6 миллион сўмлик ёки социалистик мажбуриятдагидан 1 миллион сўмлик кўп маҳсулот реализация қилдилар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш суръати 9,3 процентни ташкил этди. Меҳнат унумдорлиги 4,9 процент ўсди. Планга қўшимча 400 минг сўмлик фойда олинди.

Қурувчилар «Промсвязь» электр рўзғор буюмлари заводлари, «Ташавтотехобслуживание» бирлашмаси, Тошкент автовокзалининг ишлаб чиқариш корпусларини, 90 минг квадрат метрдан ортиқ турар жойини, 1568 ўринли мактабни, учта болалар боғчасини ишга туширдилар. Метросозлар 2200 погон-метрга яқин тоннель қурдилар. Транспортчилар планга қўшимча 700 минг тоннадан кўпроқ халқ хўжалик юкларини ташидилар.

Районда «Қолоқларсиз ишлаймиз» шиори остида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди. Бу ватанпарварлик ташаббусини 17 саноат корхонаси, 30 қурилиш ва 10 транспорт ташкилоти қўллаб-қувватлади. Кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари ҳозир 1981—1982 йиллар ҳисобига ишлашяпти. Қурилишларда ўнлаб бригадалар Н. Злобин методи асосида меҳнат қиляпти. Свердловскликларнинг «Беш йиллик топшириқни бригадада оз миқдордаги ишчилар билан бажарамиз» ташаббуси ҳам ўз ижобий натижаларини берди.

Сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмаси, 2-тикувчилик фабрикаси, заргарлик заводи, булка-кондитер комбинати, «Ташметрострой» тресті, «Главташкентстрой»нинг транспорт ишлаб чиқариш бошқармаси, 2-автокомбинат, 5-таксопарк, 2512-автоколонна коллективлари юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларини қўлга киритдилар. Улар районда биринчилардан бўлиб 1978 йил ва беш йилликнинг уч йиллик планларини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида биринчилардан бўлиб рапорт бердилар.

Бироқ ҳали ҳамма корхоналарда ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, давлат план интизомига риоя қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун қатъият билан кураш олиб борилмаяпти. Барча мавжуд резервлар ишга туширилмаяпти. Натижада меҳнат унумдорлигини юксалтириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш мажбуриятлардаги 85 процент ўрнига атиги 55 процентини ташкил этди.

Ишлаб чиқариш қувватлари суст ўзлаштирилаяпти. Маҳсулотнинг айрим турлари бўйича уларни ўзлаштириш «Чевар» бирлашмасида 74 процентни, 8-темир-бетон буюмлари заводида 40 процентни, шаҳар ремонт-қурилиш трести ишлаб чиқариш корхоналари комбинатида 22 процентни ташкил этди. Уларнинг айримларида ускуналарнинг сменали коэффициенти жуда паст, иккинчи сменанинг йўқлиги ишлаб чиқаришнинг юксалишига ғов бўлиб турибди. Райондаги олти корхона беш йилликнинг план кўрсаткичларидан ортда қоляпти. 153-қурилиш трести бир қатор объектларнинг ўз вақтида ишга туширилишини таъминламади.

Чилонзор ва Акмал Икромов районлари меҳнат коллективларининг партия ташкилотлари олдида яқин вақтларда корхона ва қурилишлар ишидаги камчиликларни тугаллаш, ички резервлардан кенг фойдаланиш йўлини қатъий тутиш, меҳнат самарадорлигини янада юксалтириш, КПСС Марказий Комитети ноябрь (1978 йил) Пленуми қарорларини бажариш учун курашни кучайтириш вазифалари турибди.

Чилонзор ва Акмал Икромов районлари меҳнат коллективлари 1979 йил учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилишди. Шунға биноан саноат корхоналари коллективлари ўтган йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмини 10 процентга оширишади, меҳнат унумдорлиги икки ярим процент ўсади. Саноат маҳсулоти реализация қилиш плани 20 декабрда бажарилади. Натижада планга қўшимча 5,6 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади. Ишлаб чиқаришга юзлаб рационализаторлик таклифлари жорий этилиб, 1,7 миллион сўмлик иқтисодий самарадорликка эришилади.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида районларнинг саноат корхоналари меҳнаткашлари «Ҳар бир станок имкон борича самарали ишласин» шиори остида меҳнат қилишга қарор қилишди. 1979 йилда районларда «Ташметрострой» трестининг ишлаб чиқариш лабораторияси корпуси, «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятининг иккинчи навбати, трамвай депоси, «Средазгазавтоматика» заводи, «Узбекхимпласт» бирлашмасининг янги қувватлари ва бошқа объектлар қурилиб, ишга туширилади.

Мусобақадош районларнинг транспортчилари, алоқа ходимлари, хизмат кўрсатиш ва савдо ходимлари ҳам 1979 йил учун оширилган мажбуриятлар қабул қилишди.

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР	Октябрь райони	Чилонзор, Акмал Икромов районлари
Саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича план бажарилади	20 декабрь	20 декабрь
Планга қўшимча ишлаб чиқариладиган маҳсулот (миллион сўм)	6,0	5,6
Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процентларда)	105,3	109,5
1979 йил планига нисбатан меҳнат унумдорлигининг ўсиши (процентларда).	2,5	2,5
Меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процентларда)	85	85
Планга қўшимча олинадиган фойда (минг сўм)	1,5	1,1
Янги хилдаги, моделдаги, фасондаги буюмлар тайёрлаш ва ўзлаштириш (миқдори)	210	240
1979 йилда Давлат Сифат белгисига аттестациядан ўтказиладиган буюмлар	78	22
Реализация қилинган буюмлар умумий ҳажмида Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган буюмлар (процентларда)	12,0	5,0
Иқтисод қилинади:		
қора ва рангли металлар (тонна)	900	1300
ёқилғи тонна (шартли)	54,5	2500
электр қуввати (минг киловатт-соат)	2000	3500
Янги ускуналар ўрнатилади (миқдори)	5 авт. ва ярим авт. линия	10 авт. ва ярим авт. линия
Рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини жорий этиш ҳисобига шартли тежамга эришилади (минг сўм)	1800	1700
Пудрат қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиши	25 декабрь	25 декабрь
1978 йил планига нисбатан қурилишда меҳнат унумдорлиги оширилади (процентларда)	0,5	0,5
Турар жойлар фойдаланишга топширилади (минг квадрат метр)	3,8	—
Н. Злобин методи бўйича ишлайдилар:		
а) бригадалар миқдори	95	110
б) ишчиларнинг умумий миқдори (одамлар миқдори)	1,948	1,970
Юк ташиш плани бажарилади.	—	28 декабрь
Планга қўшимча ташиладиган юк (минг тонна)	—	300
Планга қўшимча олинадиган даромад (минг сўм)	1500	590
Турли касбдаги ишчилар тайёрланади (одамлар миқдори)	970	400
Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг малакаси оширилади (одамлар миқдори)	4.330	6.200
Жиззах ва Сирдарё областларидаги оталиқдаги колхоз ва совхозларга қишлоқ хўжалик техникаси билан бинолар қуриш ва бошқа ишларда кўрсатиладиган ёрдам (минг сўм)	150	250
Планга қўшимча бериладиган кенг истеъмол буюмлари (минг сўм ҳисобида)	3.600	2.000
Социалистик мусобақага жалб этилади:		
а) «Бир беш йилликда — икки беш йилликни бажарамиз!» шиори остида (одамлар миқдори)	235	260
б) «Беш йилликнинг тўрт йили плани — СССР янги Конституциясининг икки йиллигига қадар (1979 йил 7 октябрь)		
— корхоналар	3	9
— цехлар ва участкалар	32	53
— бригадалар	63	212
— ишчилар	3,056	15.700
в) «Қолоқларсиз ишлаймиз»:		
— корхоналар ва участкалар (миқдори)	18	52
— цехлар ва участкалар	145	346
— бригадалар	320	1.009
— одамлар	12.189	31.600

РАЙОНЛАРНИНГ САНОАТИ ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҒИНИ УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 63 ЙИЛЛИГИГА ҚАДАР АДО ЭТАДИ. ЦЕХЛАР, БРИГАДАЛАР ВА ИШЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ҲАР ЎН КУНДА, КОРХОНАЛАР ЎРТАСИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ЭСА ҲАР ОЙДА ЯКУН ЯСАЛАДИ. РАЙОНЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЗКУР ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ЭСА, ҲАР КВАРТАЛДА ЯКУН ЯСАЛАДИ.

Х. Тошхўжаев — Ўзбекистон КП Октябрь район комитетининг секретари; **А. Қодиров** — Октябрь район ижроия комитетининг раиси; **И. Валиева** — Ўзбекистон ЛКСМ Октябрь район комитетининг секретари; **И. Прасолов** — 159-қурилиш трести комплекс бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон КП Марказий Комитети аъзоси; **М. Юнусова** — бадиий буюмлар фабрикаси тўқувчиси, ВЛКСМ XVIII съезди делегати.

Т. Содиқов — Ўзбекистон КП Чилонзор район комитетининг секретари; **А. Карасева** — Чилонзор район ижроия комитетининг раиси; **Ғ. Абдурасулов** — Акмал Икромов район ижроия комитетининг раиси; **И. Яковлев** — Ўзбекистон ЛКСМ Чилонзор район комитетининг секретари; **В. Ермаков** — «Ташметрострой» трести проходкачиси, коммунистик меҳнат зарбдори; **Х. Хўжаева** — сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси аппаратчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

КЎРКАМ ВА ПИШИҚ

Тошкентдаги тажриба-техника заводи мактаб парталари учун металл каркаслар ишлаб чиқара бошлади. Мактаб анжомларини ишлаб чиқариш учун ихтисослашган Урганч ва Қўқон мебель фабрикаларига ёрдамчи материаллар учун бу ердан ҳар йили ўнлаб тонна металл жўнатиладиган бўлади. Бу янгилик буюмларнинг сифатини яхшилайди — парталар енгил, кўркам ва анча пишиқ бўлади, шунингдек юзлаб кубометр ёғочни тежаб қолиш имконини беради.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўртасида беш йиллик шахсий топшириқларини муддатидан илгари бажариш ҳаракатига қўшилган зарбдор ишчилар сафи ўсиб бормоқда. СУРАТДА: беш йиллик шахсий топшириқларини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган (чапдан ўнгга) П. Порунова, М. Ҳабибуллина ва Р. Собитовалар. М. Нуриддинов фотоси.

ТОЗАЛИК ПОСБОНЛИГИДА

Санитария милицияси ходимларини маҳаллалар ва турар жой массивларида, қурилишларда, саноат корхоналарида доимо кўриш мумкин. Улар тозалик посбонлигида туриб мунтазам равишда қоидабузарларга қарши кураш олиб бормоқдалар, бу борадаги нуқсонларни бартараф этишга кўмаклашишмоқда. Шаҳримизнинг кун сайин обод ва гўзал бўлиб бораётганлигида ҳам бу соҳа хизматчиларининг ҳиссаси катта.

Санитария милицияси ходимлари ўз ишларини жамоатчилик билан мустаҳкам алоқада олиб боришмоқда. Фақатгина ўтган йили рейд текширишлари якунлари бўйича корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига тозалик бўйича амалга ошириладиган тадбирлар ва санитария қоидаларини бузувчиларни жазолаш бўйича 392 та таклиф юборилди. Маҳаллаларда, ЖЭКлар ва корхоналарда 60 дан ортиқ лекция ва суҳбатлар ўтказилди.

Шаҳар санитария милицияси ходимларининг бўлиб ўтган йиғилишида ана шу мисоллар айтиб ўтилди. Йиғилишда ўтган йилги амалга оширилган ишларга якун ясалиб, 1979 йил тадбирлари белгилаб олинди.

— Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун курашда бизнинг зиммамизга ҳам жуда катта вазифа юклатилган, — дейди Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи М. Ж. Жўраев. Ана шунинг учун ҳам биз оддийгина санитария қоидалари бузилишига йўл қўймаслигимиз, шаҳримизни гўзал ва кўркам бўлиши учун жон куйдиришимизни тақозо этади.

Санитария милициясида ўз бурчларини муваффақият билан адо этаётган ходимлар мавжуд. Фақатгина ўтган йили 42 киши Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ички ишлар бошқармаси ва Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлигининг ёрлиқлари, пул мукофотлари билан тақдирланди. А. Гостева, У. Тожибоев, Г. Икромов, Д. Деҳқонов, Ҳ. Мўминова, А. Шевченко каби милиционерлар айниқса яхши иш олиб бордилар.

Киров район бўлимида бу соҳада яхши ишлар йўлга қўйилган. Чунки бу ерда жамоатчилик тозалик, ободончилик ишларига яхши жалб этилган. Медицина техникуми ўқувчиларидан иборат санитария дружинаси амалга оширилаётган рейдлар ва тадбирларда актив иштирок этишиб, камчиликларни топиш, уларни бартараф этишга ёрдам беришмоқда. Худди шундай яна бир дружина Ўрта Осиё медицина педиатрия институти студентларидан ҳам ташкил этиляпти.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В. С. Зайцев санитария милицияси ходимлари олдида турган, ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ҳақида тўхталиб ўтди. Санитария қоидаларига риоя қилмаётганларга, ўз хизмат бурчини бажармаётганларга қатъий чоралар кўрилиши лозим. Ҳар бир кўча, ҳар бир массивнинг тозалиги учун жиддий кураш олиб борилиши, аҳоли ўртасида оммавий агитация ишларини пухта амалга ошириш зарур.

КОМСОМОЛ САФЛАРИНИНГ КЎРИГИ

«КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!» ЛЕНИНЧА ЗАЧЕТЛАР ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ АТТЕСТАЦИЯСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Ленин комсомолининг 60 йиллигига бағишланган «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга!» ленинча зачётининг иккинчи босқичи ниҳоясига етди. Ўтган йил ёшларимиз ҳаётида катта воқеаларга тўла йил бўлди. Булар ВЛКСМ XVIII съезди, Гаванадаги ёшлар ва студентларнинг XI Жаҳон фестивали ва ВЛКСМ юбилейидир.

Ҳозир ленинча зачётларнинг иккинчи босқичи якунларини кўриб чиқар эканмиз, ўтган йил Ўзбекистон пойтахти ёшлари учун иш самарадорлиги ва сифати учун кураш, зарбдор меҳнатга тўла йил бўлди.

Ҳозирги пайтда шаҳар комсомол ташкилотларида «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга!» ленинча зачёти қатнашчиларининг ижтимоий-сиёсий аттестацияси давом этмоқда. Шаҳар комсомол комитетининг «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга!» ленинча зачётининг иккинчи босқичи якунларини кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарорида комсомол якунловчи йиғилишларини, ижтимоий-сиёсий аттестацияни ўтказиш муддатлари белгилаб берилди. Ижтимоий-сиёсий аттестация ўтказиш бўйича шаҳар штаби тасдиқланди.

Барча район комсомол комитетларида комсомол ташкилотлари секретарларининг, сайланган активнинг шаҳар комсомол комитети ходимлари иштирокида ўқуви ўтказилди. А. Навоий номидаги Давлат академик катта театри комсомол ташкилотининг базасида ижтимоий-сиёсий кўргазмали аттестацияси ва комсомол якунловчи йиғилиши тайёрланди ва ўтказилди. Ижтимоий-сиёсий аттестацияни ўтказиш бўйича шаҳар штаби йиғилишларида Ҳамза, Фрунзе, Киров ва бошқа район комсомол комитетлари, бир қатор бошланғич комсомол ташкилотларининг ҳисоботлари тингланди.

Ижтимоий-сиёсий аттестацияни келгусида янада муваффақиятли ўтказиш мақсадида комсомол комитетлари, бошланғич комсомол ташкилотлари ташкилий ва пропагандистик тадбирларнинг кенг комплексини амалга оширишлари зарур. Энг аввало, ҳар бир комсомол ташкилотида аттестацияни ўтказишнинг аниқ, пухта ўйланган графиги тузилиши керак. Комсомол активига ўз вақтида йўлланма, конкрет тавсиялар бериб ёрдам кўрсатиш муҳимдир.

Ижтимоий-сиёсий аттестациянинг муваффақияти кўп жиҳатдан аттестацион комиссияларнинг активлигига, уларнинг нечоғлик тайёргарлик кўрганига боғлиқ. Шунинг учун ҳам комсомол комитетларига бу комиссияларнинг составига партия, комсомол ветеранларини, уруш, меҳнат қаҳрамонларини, мураббийларни, маъмурият, партия, касаба союз ташкилотлари вакилларини киритиш тавсия этилади.

Ижтимоий-сиёсий аттестацияни ўтказишгача аттестацион комиссиялар билан биргаликда комсомол комитетларининг йиғилишларини ўтказиш, уларда ленинча зачёт иштирокчиларининг шахсий комплекс планларини таҳлил этиш зарур.

Аттестация эзгу, самимий вазиятда ўтиши керак. Зачётнинг ҳар бир қатнашчисининг коллектив олдида турган вазифаларни бажаришдаги ўзининг умумтаълим, маданий савиясини оширишдаги, марксча-ленинча дунёқарашини шакллантиришдаги, ижтимоий активлигини оширишдаги вазифаларини амалга оширишдаги ўз ролини ва ўрнини белгилаши муҳимдир.

Аттестацион комиссиялар ленинча зачёт иштирокчиларига В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган ижтимоий-сиёсий аттестациянинг учинчи босқичидаги «Коммунизм қуришни ўрганамиз, коммунизм қурамиз» шахсий комплекс планларини ишлаб чиқишга ёрдам беришлари лозим.

Комплекс план — шахсни камол топтиришнинг кенг, кўп қиррали программасидир. Ленинча зачёт иштирокчиларининг ғоявий ўсишини, касб маҳоратини ва ижтимоий-сиёсий активлигини ошириш истиқболини аниқлаш унинг таркибий қисмини ташкил этади. Шунинг учун ҳам бундай планлар мазмунан конкрет, ҳар бир кишининг шахсий имкониятларини ҳисобга олган тиғиз планлар бўлиши керак.

Ижтимоий-сиёсий аттестация якунлари бўйича комсомол йиғилишларини ўтказганда вазиятни ва шахсий комплекс планларнинг бажарилишини чуқур ва ўз-ўзини танқид руҳида баҳолаш зарур.

Ана шуларнинг барчаси муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирнинг муваффақиятини, республика пойтахти комсомоли, барча ёшларининг меҳнат ва ижодий активлигини оширишнинг гаровидир.

Т. БУЛГАКОВА,

Тошкент шаҳар комсомол комитети пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ТАНЛАБ СОТАДИ»

Газетанинг 5 январь сонидаги материалда 31-нон магазинининг сотувчиси Т. Кобзеванинг харидорларга қўпол муомалада бўлиши, айрим танланган одамларгагина яхши хушмуомала қилиши кўрсатилган эди.

«Ташхлебторг»дан олинган жавобда кўрсатилишича, бу масала ишлаб чиқариш йиғилишида кўриб чиқилган, сотувчи Т. Кобзевага қаттиқ выговор эълон қилинган.

«УЙЛАР ГАЗЛАШТИРИЛАДИ»

Бошқа бир материалда Новий путь, Криворог, Самолёт кўчаларининг газлаштирилиши пайсалга солинаётгани танқид қилинган эди.

Тошкент шаҳрини газ билан таъминлаш ва газлаштириш бошқармасидан олинган жавобда кўрсатилишича, бу кўчаларни газлаштириш битиш арафасида турипти, у фойдаланишга топширилгач, аҳоли газ билан таъминланади.

ТОС Справкалар бюроси
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. ШОДИЕВ: Айтингчи, иш соатларидан ташқари бажариладиган ишлар вақти чекланадими?

Жавоб: Ҳа, иш соатларидан ташқари бажариладиган ишлар вақти чекланади. Ҳар бир ишчи ёки хизматчининг иш соатларидан ташқари бажарадиган иши йилига 120 соатдан, икки кун қаторасига бажарадиганини эса 4 соатдан ошмаслиги лозим. Ҳомиладор аёлларни, бола эмизадиган оналарни, жумладан, болаларга сутли омухталар бераётган оналарни, вояга етмаган ўсмирларни, ишчи-ёшлар мактабининг ўқувчиларини иш соатларидан ташқари ишлашдан озод қилиш тўғрисида ВТЭКдан хулоса олган инвалидларни, сил касаллигининг актив формаси билан оғриётган беморларни иш соатларидан ташқари ишлашга қолдириш мутлақо мумкин эмас.

∴ ∴ ∴

Р. КАРИМОВ: Уйда чироқ ўчиб қолган ҳолларда қаерга қўнғироқ қилиш керак? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Уйда чироқ ўчиб қолган ҳолларда ёки электр ўтказгич линиялари иши бузилган ҳолларда шаҳримизнинг Куйбишев ва Киров районларида истиқомат килувчи аҳоли Шимолий район электр тармоқлари корхонасига — Муса Жалил кўчаси, 73-«а» уйга мурожаат этишлари, 66-07-81, 66-03-01 рақамли телефонга қўнғироқ қилишлари мумкин.

Чилонзор, Акмал Икромов, Фрунзе ва Сергели районлари меҳнаткашлари Жанубий район электр тармоқлари корхонасига — Чилонзор массиви, 3-квартал, 23-«а» уйга, 77-24-52, 77-19-72 рақамли телефон орқали қўнғироқ қилишлари керак.

Ҳамза ва Ленин районларининг аҳолиси Шарқий электр тармоқлари корхонасига — 1-Ашрафий проезди, 7-уйга, 91-23-21, 91-08-67 рақамли телефон орқали қўнғироқ қилишлари мумкин.

Шаҳримизнинг Собир Раҳимов ва Октябрь районларида истиқомат қилувчи аҳоли Ғарбий электр тармоқлари корхонасига — Матлубот проезди, 53-уй, 46-04-90, 46-05-31 рақамли телефонга қўнғироқ қилишлари лозим.

∴ ∴ ∴

С. МАҲМУДОВА: Синфимиз қизлари мактабни тугаллагандан сўнг чевар бўлишмоқчи. Айтингчи, мактабни тугаллагандан сўнг шу орзуимизни рўёбга чиқариш учун қаерга мурожаат қилсак бўлади?

Жавоб: Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги Ленин орденли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида техника билим юрти очилган. У ерга 8 ва 10-синф маълумотига эга бўлган ёшлар қабул қилинадилар. Билим масканини битириб чиққан чеварлар асосан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик бирлашмасида ёки «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳамда ана шу корхоналарнинг филиалларида меҳнат қилишлари мумкин.

∴ ∴ ∴

Н. ҲАСАНОВА: Қизимизни музика мактабига ўқишга бермоқчи эдик. Шаҳримизда шундай музика мактаблари борми?

Жавоб: Шаҳар маданият уйининг халқ филармонияси қошида махсус музика мактаби бор. Бу мактабга музикага ҳаваси кучли бўлган фарзандлар қабул қилинади. Мактаб Будённий кўчасидаги 123-уйда жойлашган. Бинобарин Сиз қизингизни музика мактабига бермоқчи эканcиз, ана шу мактабга келиб учрашсангиз батафсил маълумот беришади.

ТАЪЛИМНИНГ ЮКСАК САМАРАДОРЛИГИГА ЭРИШАЙЛИК

ШАҲАР ХАЛҚ МАОРИФИ ХОДИМЛАРИ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН

Ўқувчиларни ўқитиш жараёнини, уларни ғоявий-сиёсий, меҳнатсевар, ахлоқли, эстетик руҳда тарбиялашни янада такомиллаштириш масалалари шаҳар халқ маорифи ходимлари активининг бўлиб ўтган йиғилишида муҳокама қилинди. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров йиғилишни кириш сўзи билан очди. Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири Ҳ. Қ. Йўлдошев шаҳар халқ маорифи органларининг ўтган йилги иш натижалари якунлари ва беш йилликнинг тўртинчи йилидаги вазифалари тўғрисида доклад қилди.

— Ҳозирда 245 мактабда қарийб 250 минг ўқувчи таълим олмоқда,— деб уқдириб ўтди докладчи. 581 мактабгача ёшдаги муассасада 120 мингдан зиёд кичкинтой тарбияланмоқда. Ўтган йили 7 та янги мактаб фойдаланишга топширилди, кичкинтойларимиз 23 та мактабгача ёшдаги муассасани олдилар. Ўнинчи беш йиллик бошидан буён 27 минг ўқувчи ўринли 20 та янги типовой мактаб қурилди.

Умумий мактабгача ёшдаги тарбиянинг ривожланиши уни тармоқларининг кўпайиши ва кенгайиши билан эмас, балки болаларни соғломлаштириш ва ўқув-тарбия ишларининг барча системаларини такомиллаштириш билан белгиланади. Мактабгача ёшдаги муассасаларнинг кўпчилиги типовой биноларда жойлашган бўлиб, уларнинг яхшигина жиҳозланган ўйин ва спорт майдончалари, ҳовузлари, физкультура ва музика машғулотларини ўтказиш учун махсус заллари бор.

Бошланғич мактаблар болаларга самарали таълим ва тарбия беришнинг пойдеворидир. Шаҳарнинг ўқитувчилари ўз ишларида илғор тажрибадан оқилона фойдаланмоқдалар, таълимнинг техника воситаларини ўқув жараёнига тадбиқ этмоқдалар, уларнинг билимларга бўлган қизиқишини уйғотишда турли воситаларни ўринли ишлатмоқдалар. Ҳар йили ўқувчиларнинг ижодий ва тадқиқот ишларига доир кўргазмалар ўтказилмоқда, экспозициялар очилмоқда. Ўқувчиларнинг ўзлаштириши, ёзув ва контроль ишлари ҳамда оғзаки жавобларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, болаларнинг билими, дарсларга бўлган қизиқиши, фикр доираси ва тафаккури кенгайиб бормоқда.

Педагогик коллективларнинг меҳнат тарбияси: ўқув устахоналарида, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида машғулотлар ўтказиш, ўқувчиларнинг турли меҳнат бирлашмаларини ташкил этиш, уларнинг корхоналардаги ишлаб чиқариш практикаси, шанбаликлар, меҳнат десантларини ўтказиш бўйича ишлари кўп қиррали бўлиб бормоқда.

Шаҳардаги 182 мактабнинг 20 мингга яқин юқори синф ўқувчиси ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида 43 касб бўйича шуғулланмоқда. Бундай комбинатларнинг очилиши билан ёшларнинг касб танлашга бўлган иштиёқи кескин ўзгарди, касб танлаш ишлари кундалик машғулотга айланиб қолди. Натижада ўтган йилнинг 9 минг битирувчиси ҳозирда ҳунар-техника билим юртларида касб эгалламоқда ва халқ хўжалигида меҳнат қилмоқда.

Ишлаб чиқариш таълими мактабларининг коллективлари битирувчиларни меҳнатга лаёқатли қилиб тайёрлашда самарали ҳисса қўшмоқда. Ана шундай мактабларнинг 17 тасида шоферлар ва курувчилар, тикувчилар ва тўқимачилар, чизмачилар... тайёрланмоқда. Ўтган йили ана шу мактабларни битирган 960 кишининг ярмидан кўпроғи ўз ихтисослиги бўйича ишлаш мақсадида корхоналарга жойлашди.

Мактабларнинг педагогика коллективлари бугунги кунда ўқувчиларни ғоявий-сиёсий, ахлоқли, меҳнатсеварлик, эстетик руҳда тарбиялашда кўпгина ишларни амалга оширмоқда.

Активда докладчи ва музокараларда сўзга чиққан Октябрь район халқ маорифи бўлимининг мудири Ў. А. Мирзажонов, 214-мактабнинг ўқитувчиси Д. Р. Жалилов, 170-мактабнинг дарсдан ташқари ишлар ташкилотчиси Н. Н. Мамедова ва бошқалар уқдириб ўтганларидек, ҳамма педагогик коллективлар ҳам ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда ўзининг билими, маҳоратидан етарли самарадорлик даражасида фойдаланаолмаётир. Айрим дарслар, адабиёт, физика ва бошқаларни ўқитишда ўқувчиларнинг саёз билим олаётгани сезилиб қолмоқда. Болаларнинг куни узайтирилган группаларда банд бўлиши, шунингдек, дарслардан ташқари вақтларини мазмунли ўтказиш кундалик ғамхўрликка айланмоғи лозим.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан нотиқлар ўқув-тарбия ишларининг аҳволи ва натижалари учун, барча резервлардан самарали фойдаланиш ва қимматли тажрибани оммалаштириш учун барча халқ маорифи кадрларининг масъулиятлилигини янада ошириш кераклигини айтдилар.

Халқ маорифи ходимларининг активи йиғилишида Ўзбекистон ССР маориф министри С. Ш. Шермуҳамедов нутқ сўзлади.

Маориф ходимларининг 1979 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятларида ўқувчиларни ғоявий-сиёсий, меҳнатсеварлик, ахлоқли, эстетик руҳда тарбиялаш, мактабнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлашга атрофлича ёндошиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Оила даврасида суҳбатлар

ФАРЗАНДЛАРГА НАСИҲАТЛАР

(Олимлардан Муҳаммад Осимнинг «Ёшлар билан суҳбатлар» номли асаридан)

Азиз болаларим, бу галги суҳбатимиз тўғри сўзлаш, дарсни диққат билан тинглаш ҳақида бўлади. Шулар тўғрисида сизларга иккита ҳикоят айтиб бераман, яхшилаб тингланг.

ТЎҒРИЛИКДАН АЙРИЛМА!

Али буванинг невараси Маҳмуджон сизларга ўхшаб тўғриликдан ҳеч бир айрилмасди. Бир кун Али бува Маҳмуджонга кичкина бир болта совға қилди. Маҳмуджон жуда севиниб бувасини қучоқлаб «раҳмат, буважоним!» деди. Кейин болтасининг ўткир ёки ўтмаслигини синаб кўрмоқчи бўлиб дарров боққа кирди.

Али бува боққа энг яхши олма, нок кўчатлари ўтказиб, уларни жуда диққат қилиб парвариш қиларди. Маҳмуджон эса болтасини шу дарахтлар устида тажриба эта бошлади. Буваси бу дарахтларга қандай зўр аҳамият берганини унутганди.

Эртаси кун Али бува боққа кирди. Серҳосил олиш умиди билан парвариш қилган дарахтларининг яраланганлигини кўриб жуда ҳам ачинди. Дарҳол невараси Маҳмуджонни чақирди, ғазабланиб ундан:

— Айт, бу дарахтларни ким чўқилади?— деб сўради. Маҳмуджон бироз ўйлаб қолди-ю, шу жавобни беришдан кечикмади:

— Буважон, ёлғон сўзламайман, бу дарахтларни болта билан уриб, мен ярадор қилдим, билмасдан қилган айбимни кечиринг.

Али бува ўша замониёқ дарахтларнинг яраларини унутди, невараси Маҳмуджонни қучоқлаб, бағрига босиб:

— Оппоқ неварам, ёлғон сўзламасдан, тўғрисини айтганинг учун сени кечирдим, бундан кейин эҳтиёт бўл, — деди.

Севимли болаларим, бу ҳикоямдан тўғриликнинг қандай яхши нарса эканини англадингиз. Бир шоир:

Тўғри сўзла, тўғри ишла, тўғри юр,
Тўғри ўйла, тўғри куйла, тўғри тур!

деб жуда тўғри гапиради. Менинг ҳам икки оғиз сўзимни диққат билан эшитинг:

1. Инсон ўз айбларини ҳам яширмасдан доимо тўғри сўзлаши керак. Тўғри сўзлаган кишига ҳар ким ишонади, уни севади. Ёлғончига ҳеч ким ишонмайди, уни севмайди.

2. Ёлғончилик ҳамма ёмонликнинг бошидир. Ёлғон сўзлашга ўрганиб қолган бола кўп фалокатга учрайди.

КИЧҚИНА ШОКИР

Кичкина Шокир ҳеч бир кун мактабига бормай қолмайди, дарсларини яхшилаб тайёрлайди. У мактабини, муаллимларини, синфдош ўртоқларини жуда севади. Муаллимлари ва ўртоқлари ҳам уни севадилар.

Шокир дарс вақтида муаллимнинг сўзларини диққат қилиб тинглайди. Ўртоқларидан бириси мактабга келмай қолса, у эртаси кун Шокирнинг ёнига келиб, кеча ўтилган дарсни ундан сўраб, ўрганиб олади.

Азиз болаларим, ҳикоямдан Шокиржоннинг қандай яхши бола эканини англадингиз. Энди менинг икки оғиз сўзимни диққат қилиб тингланг.

1. Муаллимнинг берган дарсига яхшилаб диққат қилиш керак, диққат қилмаган ўқувчилар, ҳеч нарса билмай жоҳил бўлиб қоладилар.

2. Ўқувчи боланинг энг буюк вазифаси мактабга ҳар куни кечикмай ўз вақтида бориш, дарс вақтида ўйнаб ўтирмасдан, дарсни диққат билан тинглашдир.

Болаларим, дарсларингизни яхшилаб тайёрланг, бирор кун ҳам мактабдан қолманг. Муаллимларингизнинг сўзларидан чиқманг.

Ш. ЗУННУН
тайёрлаган.

ЁН ҚЎШНИ

Тўрт қаватли икки бино ўртасидаги майдонча одатдагидек гавжум эди. Болалар тўс-тўполон билан қорбўрон ўйнашарди. Кичкинтойлардан бири қўлидаги мушт қилинган қорни рақибига отди. Бироқ «ўқ» мўлжалга тегмади. У учиб бориб рўпарадаги бинонинг биринчи қавати деразасига урилди. Ойна чил-чил синди. Болалар «ўлдик» дея тум-тарақай қочишди. Фақат кичик Нодиржонгина нима қиларини билмай, майдонча ўртасида жовдириб қолди. Синган ойна деразасидан аёл кишининг боши кўринди:

— Ҳой итвачча, нима қилдинг буни, балога йўлиққур.

— Холажон, мен эмас, болалар қилишди,— деди Нодиржон кўзларини пирпиратиб.

— Қилғиликни қилиб, яна тонади-я бу тирранча.

— Падарингга лаънат, ким экан у!— Ичкаридан эркак кишининг дўриллоқ овози эшитилди.

— Қўшнингизнинг арзандаси, Нодир ўлгур,— жавоб қилди аёл.

— Ҳеч қутулмадик, қутулмадик-да, шу боладан.

У шиддат билан ташқарига югурди. Болани ушлаб олиб, жонжаҳди билан савалай кетди. Калтак зарбидан Нодир додлади. Шовқин-суронни эшитиб, бир зумда қўшнилар тўпланишди.

— Ҳой Аҳмадбек, ёш болани майиб қилиб қўясиз-ку.

— Инсофсиз, тошбағир.

— Феълига яраша-да. Шунинг учун тирноққа зор бу беандиша, — каби овозлар эшитилди теварак-атрофдан.

Ичкаридан ёшгина жувон чиқди. Ҳамма унга тикилди. Бу Нодирнинг онаси эди. Аҳмадбек жувонга ўшқира кетди:

— Мана, тирранчангнинг қилганини кўр,— у қўлини бигиз қилиб синган ойнани кўрсатди.— Нима қилди буни?

— Дадаси келсин, айтаман. Тузаттириб берамиз, амаки,— деди аёл ётиғи билан.

— Ойнани сизнинг ўғлингиз синдиргани йўқ, бошқа бола синдириб қочди. Мен деразадан уларнинг ўйинини кузатиб турган эдим. Бу киши суриштирмай-нетмай... Садқаи одам кетинг-ей...

Иккинчи қаватда яшовчи қўшнисининг бу гапи бегуноҳдан бегуноҳ болани жазолаган Аҳмадбекка зарарча таъсир қилмади.

— Ёнини ола, ёнини ол. Бир-бирларинг билан оғиз-бурун ўпишасанлар. Фақат мен ёмон сенларга. Аҳмадбекнинг оиласи ёмон.

У тўнғиллаб, уйига кириб кетди. Қўшнилар жувонга тасалли бериб тарқалишди.

Кечкуруни эри ишдан қайтганда, Зебохон бу кўнгилсиз воқеани унга айтмади. Эрининг кайфиятини бузгиси келмади. Бироқ Каримжон машмашадан хабардор эди. Қўшнилар унга кўчадаёқ етказишганди.

Фалокат оёқ остида, деганлари ҳақ экан. Тасодифни қарангки, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас Аҳмадбек тўсатдан йўқолиб қолди. Қўшниларнинг тинчлиги бузилди. Аҳмадбекнинг хотини Вазира айюҳаннос солиб, Каримжонга ёпишди:

— Эримни топиб берасан. Сен уни бир нарса қилгансан. Ўғлингнинг аламини олгансан. Қани топмай кўрчи, кунингни кўрсатаман.

Каримжон чурқ этмади. Вазирани қўшнилар зўр-базўр уйга олиб кирдилар.

Орадан икки кун ўтгач, Аҳмадбекнинг ўлиги топилди. Врачларнинг хулосасига кўра, инфаркт касали билан кўчада ўлиб қолган экан. Касалликнинг сабаби ичкиликни кўп ичиш оқибатида содир бўлган.

Қўшнилар бир ёқадан бош чиқаришди. Каримжон гинахонлик қилиб ўтирмади. Елиб-югурди.

Марҳумни қабрга қўйиб қайтишгач, Вазира қариялардан бирини ўзига имлади:

— Мулла ака, айтиб қўйинг, Карим шумкадам бизникига оёқ қўймасин. Уни кўрсам Аҳмадбегингиз н и н г душманини кўргандек бўламан.

Қария қуюқ қошларини чимирди.

— Қўйинг, келин, шу ҳам гап бўлди-ю, яхшиям шу одам бор экан. Хизматини айтмай қўя қолай. Ҳатто болангиз йўқлигини билдирмай, тўн кийиб тобут олдига тушди-ю, сиз уялмай шу гапларни гапирасиз.

— Шу Каримжон-а, —ёқа ушлади Вазира.

— Ҳа, шу Каримжон. Мана шунақа оғир кунларда билинади, инсоннинг инсонлиги.

Вазира узоқ жим қолди. Сўнг унинг кўзида ёш қалқиди. Шу чоқ юмуш билан хонага кирган Каримжон Вазиранинг кўзидаги ёшни кўриб, унга тасалли берди:

— Ҳадеб ғам қилаверманг, келинойи. Ўлим ҳамманинг бошида бор. Ахир бунақада ўзингизни касалга чалинтириб қўясиз-ку. Бизникига чиқиб бир оз дам олинг. Зебохон овқат қилаётган экан. «Опам эрталабдан бери туз тотганлари йўқ, бир қошиққина ичиб кетсинлар» деди.

Самимий айтилган гап Вазирага қаттиқ таъсир қилди шекилли, чидаб туролмади. У ҳўнграб юборди.

...Яқинда Қорақамиш массивининг Ўрол Тансиқбоев кварталида яшовчи синфдош дўстимникига бордим. Уйда ҳеч ким йўқ экан. Орқага қайтмоқчи бўлиб турган эдим, қўшни хонадондан ўрта ёшлардаги бир киши чиқди.

— Келинг, меҳмон, — деди у самимият билан.

Нима мақсадда келганлигимни айтдим.

— Одам бор жойга одам келади. Қани уйга кириб, бир пиёла чой ичайлик. Унгача ўртоғингиз ҳам келиб қолар.

Қўярда-қўймай, у мени ичкарига бошлади. Танишдик. Обиджон ака мебель бирлашмасида ишлар экан.

— Бу ерга кўчиб келганимизга икки йил бўлди,— деди у гап орасида.— Мана шу биз турган уйда 57 оила жойлашган. Улар турли миллат вакиллари бўлишига қарамай, ҳаммамиз аҳил, иноқ яшаймиз. Ўзимиздан маҳалла комитети сайлаганмиз. Унинг аъзолари бошчилигида ҳар шанба, дам олиш кунлари ҳашар уюштирдик. Ўзимизга қарашли территорияни ободонлаштирдик. Дарахт, гул кўчатлари ўтказдик. Ариқларни тозаладик. Фарзандларимиз мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун майдонча бунёд этдик. Бу ерда турли спорт ўйинларини ҳам ўтказиш мумкин. Автобус бекати яқинида чойхона, маҳалла комитети учун махсус идора биносини қуряпмиз.

Қўнғироқ чалинди. Мезбон «ҳозир» дея туриб эшикни очди. Ёш боланинг:

— Уйимизга меҳмон келди, дадам айтдилар, тез чиқаркансиз, — деган сўзи баралла эшитилди.

— Катта раҳмат, ўғлим. Амакимникида ҳам меҳмон бор экан, деб айтгин дадангга. Ие, ана Йўлдошвой ҳам келиб қолди.

Хонага Йўлдошвой кириб келди. Дўстим билан қучоқлашиб кўришдик. Ҳаммамиз унинг уйига чиқдик. Кўп ўтмай стол атрофидан ўндан ортиқ киши жой олди. Булар меҳмон ҳурмати учун йиғилган қўшнилар эди. Шу куни бу уйда яшовчи кишиларнинг аҳиллиги, бир-бирларига бўлган самимий муносабатларини кўриб, ҳавасим келди...

Бир вақтлар Турсунбой ака деган қўшнимиз бўларди. Ҳеч ким билан чиқишолмасди. Маҳалладошлардан нола қила-қила бошқа жойдан ҳовли олиб кўчиб кетди. Кейин эшитсак, у ердаги қўшнилари ҳам «нобоп» чиқиб қолибди. Турсунбой ака яна бошқа жойга кўчибди.

Орадан бир неча йил ўтиб кетди. Яқинда Турсунбой ака билан тасодифан учрашиб қолдим.

— Ҳалиям редакцияда ишлаяпсанми, ука,— деди у тўсатдан. Саволига жавоб олгач, бидирлаб кетди:

— Бундай сўраб бормайсан ҳам, ука. Ахир эски қадрдонмизку, одам-одамга ғанимат. Боргин. Ҳозир Чилонзорнинг 22-кварталида яшайман. Мана адресим.

У шошиб-пишиб бир парча қоғозга адресини ёзиб берди.

— Эртага шанба, индинга дам олиш куни уйда бўламан. Албатта бор, кутаман. Муҳим гапим бор.

Қўярда-қўймай, розилигимни олди.

...Эшикни Турсунбой аканинг хотини Зарофат опа очди.

— Ким керак?— деди томдан тараша тушгандек.

— Турсунбой ака уйдамилар?

— Йўқ. Чиқиб кетганлар,— деди чимирилиб Зарофат опа,— ҳеч тинчлик берасизлармми, йўқми ўзи?

Эшик тарс ёпилди. Ҳали ҳушимни тўплаб улгурмаган эдим, ичкаридан Турсунбой ака югуриб чиқди.

— Келинойингнинг аҳмоқлиги қолмади-қолмади-да. Сени танимабди. Нега қараб турибсан. Кир-кир, уйга кир, ука.

Чор-ночор ичкари кирдим. Кейин Зарофат опа мени «таниб» кечирим сўраган бўлди.

— Қалай, биз кетиб маҳалла тинчиб қолгандир,— деди пичинг билан.

Жавоб беришга улгурмадим. Турсунбой ака сайраб кетди:

— Жон ука, эскилар қўшнинг ёмон бўлса қочиб қутуласан, деб бежиз айтишмаган экан. Хабаринг борми, йўқми, олти-етти йил ичида уч жойга кўчиб ўтдик. Бироқ қўшнилардан пешанамиз ярқирамади. Бу ерга келиб энди тинчидик, десак, яна машмашаси чиқиб турибди.

Ташқарида машина сигнали эшитилди.

— Сигнал чалаётган бизнинг ўғилча. Машинага жуда ўч. Келдим дегунча, дарров кабинага чиқиб олиб, сигнал чалгани-чалган. Бола-да, ахир. Қўшнилар шуни ҳам кўришолмаяпти. Айниқса рўпарамдаги қўшним Ҳазратқул. Отаси касал эмиш. Қулоғига ҳеч нарса ёқмасмиш. «Ўғлингиз машинани дудудлатгани-ду д у дулатган, айтинг, сигнални чалмасин» дейди. Тавба, отанг касал бўлса, бизга нима? Ахир бола касални биладими? Оёқ-қўлини боғлаб қўёлмасанг.

Худди шуни тасдиқлагандек, кетма-кет узундан-узоқ машина сигнали чалинди. Турсунбой аканинг завқи келди:

— Ота боласи-да, шофёр бўлади бу. Тайёр шофёр.

Кейин менга юзланди.

— Ҳадеб жой алмаштиравериш жонимга тегди. Энди ука сен бунинг бир эвини қил. Мен эмас, қўшним кўчадиган бўлсин.

Ташқарида ёш боланинг йиғлагани эшитилди.

— Зароф, чиқ, ўғлинг йиғлаётганга ўхшайди.

Аёл кўчага отилди. Бирдан йўлакни бошига кўтарди:

— Вой сув сепмай қўлинг синсин. Бола йиқилади ҳам демайди-я.

Турсунбой ака, орқасидан мен ташқарига чиқдик.

— Озодалигига ўламанми буларни. Эрталабдан сув сепмасанг кимнинг кўнгли қопти?

Қўшни аёл ийманиб:

— Йўлагимиз ифлос бўлиб кетибди, мен супуриб ҳозир сув сепган эдим,— деди.

Турсунбой ака ва хотини унга ёпиша кетди...

Кўчада боряпман-у, кўз ўнгимда ўша воқеа.

Шундай маъмурчилик, тўкин-сочин замонда Турсунбой акага ўхшаганларга нима етишмас экан? Усти бут, қорни тўқ, тайёр уй. Шароитини айтмайсизми. Ҳамма нарса муҳайё. Фақат яшай билиш керак холос. Яшаганда ҳам инсонлардек ҳаёт кечириш лозим. Фақат бошқалардан айб қидирмай, ўзидаги нуқсонни кўра билиш ҳам хислатку ахир. Хўш, нима учун у етти йил ичида уч жойга кўчиб ўтди? Қўшнилар ёмонлигиданми? Наҳот ҳамма қўшнилар ҳам нобоп бўлса-ю, битта Турсунбой аканинг ўзи софдил бўлса? Бу ҳақда унинг ўзи бир ўйлаб кўрса, ёмон бўлмасди.

Шаҳримиздаги намунали маҳаллалар, қўни-қўшничиликни ўз ўрнига қўядиган мингминглаб оилалардан наҳот Турсунбой ака ва унга ўхшаганлар ўрнак олишмас экан?

«Ён қўшним — жон қўшним», дейди халқимиз. Бу бежиз айтилмаган албатта. Шундай экан биз қўни-қўшнилар ҳамиша иноқ ва тотув яшашимиз керак. Бир-биримизни ҳурматлайлик, эъзозлайлик. Ҳамжиҳатлик билан яшаганга не етсин, ахир!

М. КОМИЛЖОНОВ.

Жаҳон ойнаси

ТАМПЕРЕДАГИ В. И. ЛЕНИН МУЗЕЙИ

ХЕЛЬСИНКИ. Тампере шаҳридаги В. И. Ленин музейини кўпгина фин туристлари ва чет эллик туристлар зиёрат қилмоқдалар. Ўтган йили 16,5 мингдан кўпроқ киши жаҳон пролетариати йўлбошчисининг ҳаёти ва фаолияти билан танишди, деб хабар қилади «Кансан утисет» газетаси.

Бу йил музейнинг экспозицияси кенгайтирилади. Музей томошабинлари айни бир вақтда совет кинофильмларини кўришлари, Улуғ Октябрь социалистик революциясига бағишланган мавзулардаги семинарларда қатнашишлари мумкин.

ПОЛЬША АТЛАСИ

ВАРШАВА. Польша Фанлар академияси география институтининг олимлари Польша атласини нашр этишни ниҳоясига етказдилар. Атлас мамлакатнинг табиий муҳити, ижтимоий, иқтисодий ва демографик ривожланиши тўғрисида ҳикоя қилувчи 60 та турли масштабдаги картадан, кўпгина диаграммалар ва жадваллардан иборат.

Бундай атлас Польша тарихида биринчи марта тузилиб, кўп нусхада босмадан чиқарилди.

ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

БОНН. ГФРда рус тилини ўрганишга бўлган қизиқиш кучаймоқда. Бохумидаги рус тили институти ва Москвадаги А. С. Пушкин номли рус тили институти билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Бу йил совет ўқитувчилари Бохуми, Кёльн, Киль, Саарбрюккен ва Монстер шаҳарларида рус тилида машғулот олиб борадилар.

Францияда бу йилги қиш одатдагидан совуқ келди. Изғирин ҳаво оқими бутун мамлакатни кезиб чиқди. Натижада кўп ерларга қалин қор ёғди, ҳамма ёқни муз қоплади.

СУРАТДА: Парижда қиш.

Кейстон — ТАСС фотоси.

НЬЮ-ЙОРКНИНГ «ОРТИҚЧА КИШИЛАРИ»

НЬЮ-ЙОРК. АҚШнинг энг катта шаҳрида ишсизлик ҳамон кўпаймоқда. Меҳнат министрлигининг меҳнат статистикаси регионал бюроси берган маълумотларга қараганда, Нью-Йоркда январь ойида ишсизлик даражаси ишга қобилиятли жами аҳолининг 8,8 процентини ташкил этган. Бу — ўтган йилнинг охиридагига нисбатан 0,8 процент кўпдир. Нью-Йоркка қўшни Нью-Жерси штатида ҳам ишсизлик даражаси бундан бироз кам. У ерда январь ойида меҳнатга қобилиятли аҳолининг 7,7 проценти ишсиз эди.

Нью-Йоркда ва унинг атрофидаги районларда ишсизлик даражаси умуман мамлакатдагига қараганда муттасил юқорилигича қолмоқда.

НАРХ-НАВО ЎСМОҚДА

БОГОТА. Колумбия миллий статистика бошқармасининг маълумотларига кўра, мамлакатда нарх-наво январь ойида ўрта ҳисобда 3,1 процент ошган. Сут нархи, бошқа баъзи маҳсулотларнинг нархи қимматлашди, шунингдек газдан фойдаланиш ҳақи оширилди.

(ТАСС).

▲ **МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ**

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН...

● Кийимга теккан мойли бўёқни кечиктирмай скипидар ёки керосин билан тозаласангиз доғ қолмайди. Бунинг учун пахтани скипидар ёки керосинга ботириб, мой теккан жой ҳўлланади-да, нашатир спирти билан бир неча бор артилади. Бордию, бўёқ қотиб қолган бўлса ўша ерни скипидарга ботириб ивитиш керак. Шундан кейин чой содаси эритилган сувда ювиб, кетидан илиқ сув билан бир неча марта чайиш лозим.

● Ювилган кийимкечакни крахмаллашдан олдин крахмалга бир неча томчи сут қўшилса кийим дазмоллангандан кейин ялтирайди.

● Синтетик толали трикотаж либосларни офтобга ёйиб қуритманг, акс ҳолда буюмингиз қотиб кетади. Шунингдек, шабада ерга ҳам ёйманг, чўзилиб асл шаклини йўқотиши мумкин.

● Скипидарга 3— 4 томчи сут қўшиб, эски пойафзалга сурилса, рангини очади. Пойафзал шундай эритма билан артилгач, оддий чўтка ёки духоба лахтак билан тозаланади.

● Тикадиган нарсангиз қалин бўлса игнага совун суртинг, шунда тикиш осонлашади.

Куйбишев районидаги Пионерлар уйи «ўйинчоқлар устахонаси»да болаларнинг қўли билан ўнлаб турли хил қўғирчоқлар ясалган. Болаларни меҳнат қилишга, гўзалликни тушуниш ва севишга Ольга Николаевна Лазарева ўргатади. Унинг ташаббуси билан болалар «Буратино» қўғирчоқ театрини ташкил этишган.

СУРАТДА: «Буратино» қўғирчоқ театрининг ёш артистлари.

Е. Лейтман фотоси.

● ДОСААФ комитетида

ИШЧАНЛИК ВА ТАЛАБЧАНЛИК ВАЗИЯТИДА

Тошкент шаҳар ДОСААФ комитетининг кенгайтирилган V пленуми бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ДОСААФ комитетининг раиси Ш. У. Умаров «Тошкент шаҳар ДОСААФ ташкилотининг 1978 йилдаги иш якунлари ва КПСС XXV съезди, СССР ДОСААФи VIII съездининг қарорлари асосида 1979 йилда ҳал қилинадиган вазифалар тўғрисида» доклад қилди.

Жамият ўз фаолиятида,— деди докладчи, — оммавий-мудофаа ишлари сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш, ҳарбий билимларни пропаганда қилиш, меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўсмирларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ва халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаб бериш, спортнинг техник турларини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш сингари масалаларга алоҳида эътибор бермоқда.

Ўтган йили Тошкент шаҳар ДОСААФ ташкилоти ўз фаолиятида ижобий натижаларга эришди. Бунинг исботи учун бир неча рақам ва фактларга мурожаат қилайлик. 11000 киши ДОСААФ аъзолигига қабул қилинди. 51 янги ДОСААФ ташкилоти ташкил этилди. Халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаб бериш плани 112 процент бажарилди. 5186 разрядли спортчи тайёрланди. Спорт-техника клубларининг моддий ўқув базаси мустаҳкамланди.

Ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида революция, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, Совет Иттифоқи ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш, кинофильмлар кўрсатиш, революция, жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати жойлари бўйлаб юришлар ташкил қилиш, музейларга экскурсиялар ташкил қилиш, «Зарница» ва «Орленок» ўйинлари, оммавий-мудофаа ишлари ойлиги ва ҳафталикларини ўтказиш, ўрта мактабларда ҳарбий-ватанпарварлик ишлари кўрик ва конкурсларини ўтказиш сингари иш усулларидан кенг фойдаланилмоқда.

Тошкентда ташкил этилган «Бўлажак офицер клуби» ва «Бўлажак жангчи университети» сингари ҳарбий-ватанпарварлик халқ университетлари ёшлар билан ишлашда яхши натижаларга эришмоқдалар.

ДОСААФнинг VIII Бутуниттифоқ ва V Республика съездлари қарорларини оғишмай амалга ошираётган шаҳардаги мудофаа жамиятининг комитет ва ташкилотлари ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида катта ютуқларни қўлга киритишмоқда. Улар ҳарбий комиссариатлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда мактабларда, олий ўқув юртларида, ҳунар-техника билим юртларида дастлабки ҳарбий таълимни кучайтириш бўйича қатор тадбирларни амалга оширдилар.

Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводи, «Средазкабель» бирлашмаси, «Миконд» заводи, В. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент тўқимачилик комбинатларининг ўқув пунктлари моддий техника таъминоти, кўргазмали қуроллар билан тўкис жиҳозланганлиги билан ажралиб туради.

Шуни ҳам айтиш керакки ижобий натижалар билан биргаликда айрим корхоналарда жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Бундай камчиликлар қаторига ҳарбий кабинетларнинг яхши жиҳозланмаганлиги, ҳарбий техника тайёргарлиги машғулотлари ўтказиладиган классларнинг яхши эмаслигини киритиш мумкин.

Шаҳар ДОСААФ ташкилотининг айрим комитет ва ташкилотларида ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига комплекс ёндошилмаяпти. Айрим ташкилотларда ҳарбий - ватанпарварлик пропагандаси шу кун талаблари даражасида эмас. Кўп тадбирлар ДОСААФ ташкилотларининг маслаҳатисиз ўтказилмоқда.

ДОСААФ ташкилотларининг комитет ва клублари ёшларни армия сафига хизматга тайёрлашга бўлган талабнинг ўсганлигини тўла эътиборга олмаяптилар. Буни ишларнинг самарадорлиги яхши эмаслигида кўриш мумкин.

Пленум Тошкент шаҳар ДОСААФ комитети ва бошланғич ташкилотларнинг фаолиятларини янада яхшилаш бўйича қарор қабул қилди, Тошкент шаҳар ДОСААФ ташкилотининг 1979 йилги социалистик мажбуриятини маъқуллади.

И. МОТУЗ,
истеъфодаги полковник.

Диққат: конкурс

▲ КЎЧА ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

▲ ҲАР БИРИМИЗ ҚАТНАШАЙЛИК

▲ МУКОФОТ ҒОЛИБЛАРНИ КУТАДИ

Кўча ҳаракати Қоидаларини ҳаракат қатнашчилари ўртасида бундан буён пропаганда қилишни янада кучайтириш, шунингдек автомотоҳаваскорлар жамияти ташкилотлари фаолиятини, автомобиль транспорти корхоналарининг ишларини оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон журналистлар Союзи правлениеси, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг коллегияси ҳамда Ўзбекистон автомотоҳаваскорлар республика жамияти Марказий советининг Президиуми кўча ҳаракати Қоидаларини вақтли матбуотда, телевидение ва радиода 1979 йил 1 февралдан 31 декабргача энг яхши пропаганда қилиш юзасидан конкурс ўтказишга ҚАРОР қилдилар.

●

Конкурсда республика, область, шаҳар ва район газеталари, журналлар, телевидение ва радио ходимлари, шунингдек барча истовчилар қатнашиши мумкин.

Конкурс ишларида (корреспонденциялар, мақолалар, очерклар, ҳикоялар, фоторепортажлар, теле ва радио эшиттиришлари) давлат автоинспекцияси органларининг, автомотоҳаваскорлар жамияти область, район, шаҳар ва бошланғич ташкилотларининг фаолиятлари, автомобиль транспорти хўжаликларидаги ҳаракат хавфсизлиги хизматининг илғор тажрибалари кенг ёритилиши, кўча ҳаракати тасодифлари сонини қисқартиришга ҳамда болаларнинг йўл-транспортдан шикастланишларини камайтиришга қаратилган тадбирларни кенг очиб бериш зарур.

Конкурс ишлари кўкламги ва кузги Бутуниттифоқ кўча ҳаракати хавфсизлиги кўрикларини, «Трактор», «Эҳтиёт бўл, ҳайдовчи!», «Тезлик», «Диққат, болалар», «Тоза ҳаво» каби тадбирларнинг ташкил этилиши, бориши ва якуни тўғрисидаги масалаларни ўзида акс эттиради.

Конкурсга якун ясалаётган пайтда кўча ҳаракати Қоидаларини муттасил ва мақсадга мувофиқ пропаганда қилиб борганлиги қатори, мавзунинг ифодаланиши ва аниқлиги, унинг самарадорлиги ва жўшқин таъсир кучи, уларнинг ҳаракат қатнашчилари интизомлилигини оширишга қаратилган ташкилотчилик ишлари алоҳида ҳисобга олинади.

1980 йил февраль ойида махсус жюри конкурсга якун ясайди ва ғолибларни мукофотлайди. Конкурс ғолиблари дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирланади. Бунинг учун ҳар бири 200 сўмдан — учта биринчи, 150 сўмдан — учта иккинчи, 100 сўмдан — учта учинчи даражали мукофотлар таъсис этилди. Булардан ташқари, ҳар бири 50 сўмликдан олтита рағбатлантирувчи мукофот белгиланди.

Конкурс шартларига жавоб бера оладиган мақола ёритилган газета ва журналлар, эфирда эшиттирилган текст ёки сценарий конкурсга юборилади. Эфирда эшиттирилган текстлар редакциялар томонидан тасдиқланиши керак.

Конкурсга юбориладиган ҳамма материаллар солинган конвертда алоқа бўлими индекси, юборувчиларнинг адреси ва телефон номери бўлиши керак.

Конкурсга 1979 йил 1 февралдан 31 декабргача матбуотда эълон қилинган ёки эфирда эшиттирилган ишлар тақдим этилади. Материаллар 1980 йил 15 январгача 700047, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги Давлат автоинспекцияси Бошқармаси номига «Ҳаракат хавфсизлиги конкурсига» деган ёзув билан юборилади.

Тошкентдаги 4-ўрта алоқа ҳунар-техника билим юрти мамлакатимиз халқ хўжалиги учун малакали ёш алоқачи—телеграфчи-телефончи кадрлар етказиб бераётган ўқув даргоҳларидан бири. Ҳозирги пайтда бу ерда 1020 бўлажак алоқачи йигит ва қизлар ҳунар ўрганмоқдалар.

СУРАТДА: телеграф бўлими 29-группасининг ўқувчиларидан Н. Свертокина, Р. Исанчурина ва Р. Аблякимова телеграф бўйича амалий машғулот жараёнида.

М. Нуриддинов фотоси.

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Арнасой кўлида балиқчилар овлайдиган лаққа балиқ салмоғини анча кўпайтириш мумкин. Тошкент Давлат университетининг ихтиологлари ана шу қимматли балиқларнинг яшаш шароитини батафсил равишда биологик анализ қилиш ва ўрганиш соҳасида бажарган ишлари асосида шундай хулоса чиқардилар.

Арнасой кўллар системаси Мирзачўлнинг шимоли-ғарбий қисмида, унинг Қизилқум билан чегарасида сал кам 180 минг гектар майдонни эгаллайди. Бу ерда хилма-хил зотли балиқлар жуда ҳам кўп. Шу балиқлар орасида лаққа балиқ муҳим ўринни эгаллайди. Шунга қарамай, бундай балиқларни овлаш шу вақтгача яхши ташкил қилинган эмас эди. Олимлар балиқ саноати ходимлари учун тайёрлаган ўз тавсияларида лаққа балиқларнинг кўлларда тарқалиши, уларнинг урчиш ва овқатланиш хусусиятлари, овнинг қулай муддатлари ва усуллари тўғрисида батафсил маълумотларни келтирганлар. Олимларнинг фикрича, лаққа балиқларни овлашнинг тўғри ташкил этилиши уларни тутишни кўпайтирибгина қолмай, шу билан бирга ана шу кўлларда балиқ запасларини бир мақсадни кўзлаб тартибга солиш имконини ҳам беради.

(ЎзТАГ).

● БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

МУЗЛАГАН МАСАЛЛИҚЛАРНИ ҚАНДАЙ ИШЛАТИШ КЕРАК?

Музлаган гўшт ва балиқ яхини, уларнинг мазасини, тўйимлилик ва бошқа қимматларига зарар етмайдиган қилиб эритиш керак. Овқатга ишлатиладиган музлаган гўштни аста-секин эритиш лозим, шунда музлаб қолган гўшт сели эриб гўштга қисман сингишга улгуради. Натижада оқсиллар сифати ва гўшт таъми ҳам тўла сақланиб қолади.

Гўштни секин эритиш учун уни холодильникда 2-8 даража ҳароратда ёки ертўлада, унинг юқорироқ жойида сақлаш керак. Гўштдаги нам кўп буғланиб кетмаслиги учун уни полиэтилен халтача ёки қопқоқли кастрюлга солиб эритган маъқул. Гўштни йирик-йирик бўлакка ажратиб эритган яхши, шунда унинг таркибидаги зарур моддалар кўп йўқолмайди, нами кам буғланади. Агар гўшт музини эритишдан олдин совуқ сувда ювилса, ундан ажралган ширани овқатга солиш мумкин. Борди-ю, гўшт қайнатма овқатга солинадиган бўлса, унинг яхини эритиб ўтириш шарт эмас.

Балиқ музини тез эритса ҳам бўлаверади. У одатда совуқ сувда эритилади. Майда балиқ бир ярим-икки соатда, йирикроқлари 3-4 соатда муздан тушади. Балиқдаги минерал моддалар йўқолмаслиги учун сувга бир оз туз солган маъқул (бир килограмм балиқни 2-3 литр сувда эритганда 10-15 грамм туз етарли бўлади).

Балиқнинг музлаган гўшт бўлаклари сувсиз кастрюлда, уй ҳароратида эритилади, чунки тўйимли моддаларининг кўп қисми исроф бўлади. Балиқни илиқ ёки иссиқ сувда сира эритманг, бунда мазаси ҳам, тўйимлилик хоссаси ҳам йўқолади.

ТЕМАТИК КЕЧА

Тошкентдаги 86-ҳунар-техника билим юртининг ўқувчилари химия фанидан ўтказилган тематик кечани «Ўзимиз яратган мўъжиза» деб аташди. Талабалар — ўрганилаётган материални мустаҳкамлаш билан боғлиқ бир қанча қизиқарли тажрибалар ўтказдилар.

Бундай тематик кечалар Тошкент экскаватор заводининг бўлажак ишчилари билимини оширмоқда. Ана шундай кечалар ўтказиш билим юртида анъана бўлиб қолди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ
САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

Ёшлик

«Ё Ш Л И К» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8—10 синф ҳажмида маълумотли 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.



БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ЁШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР КАССИРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН БИР ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҲАМ ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАР ОЙДА 64 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

ЎҚУВЧИЛАР АЙНИ БИР ВАҚТДА КЕЧКИ МАКТАБДА ЁКИ САВДО ТЕХНИКУМИДА ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

МАКТАБ-МАГАЗИННИ ТАМОМЛАБ ЧИҚҚАНЛАР КАТТА МАГАЗИНЛАРГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИ ВА УЛАРГА СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИНИНГ КЕЧКИ ЁКИ СИРТҚИ БЎЛИМИГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ.

ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси 65-уй (2, 8, 9, 10, 12, 1, 24, 28-трамвайлар, 2, 9, 22, 55, 30-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати) 33-75-48 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/II да **Концерт** (14.00 да, билетлар сотилган). **Оламнинг яратилиши** (19.00, билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/II да **Ганг дарёсининг қизи**, 9/II да **Келинлар қўзғолони**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/II да **Чандиқлар** (12.00), 9/II да **Тўй муборак, қари қиз** (12.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Тўрт куёв» эстрада-цирк лўлилар ревюсининг гастроллари (19.30).

КИНО

8 ФЕВРАЛДА
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«СОЦИАЛИЗМ ДУНЁСИ» — Чайка.
«ЕРДАГИ КИШИ» — Фестиваль.
«САДОҚАТ», «ҚОРА ЧЕГАРА» — Кўкча.
«ДУХОВОЙ ОРКЕСТР ЧАЛАДИ» — Ўзбекистон 25 йиллиги.
«ҒАЛАТИ АЁЛ» — Собир Раҳимов номли.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МИНГДАН БИР ОМАД» — Чайка, Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Қозоғистон.
«КУНЛАР ВА ТУНЛАР» — Қозоғистон (иккинчи зал), Восток.
«ТЕКШИРУВ КОМИССИЯСИ» — Восток (иккинчи зал).
«ЙИЛНИНГ БЕШИНЧИ ФАСЛИ» — Москва.
«БЕГОНА» — Ўзбекистон 25 йиллиги номли.
«ТЎРТИНЧИ БАЛАНДЛИК» — Лисунов номли, Тинчлик.
«ҚАЛЪА» — ВЛКСМ 30 йиллиги.
«ХУРЛАНГАН» — Искра.
ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — Москва, Фестиваль, Лисунов номли, Мир, Восток, Ҳамза номли, Янгиобод, Ғ. Ғулом номли, Ғунча, С. Раҳимов номли, Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Қозоғистон, Навоий номли, Ўзбекистон 25 йиллиги номли, Чайка, Кўкча, Нукус, Пионер, Тинчлик, ВЛКСМ 30 йиллиги.

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

10, 11 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

К О Н Ц Е Р Т И

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва ҚҚАССР халқ артисти
ГУЛШОД ОТАБОЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
БАҲРОМ МАВЛОНОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ва Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати
ДИЛАФРУЗ ЖАББОРОВА

Солистлар: Шерали ЖЎРАЕВ, Гулнора АЪЗАМОВА, Гулнора ОДИЛОВА, Абдуфаттоҳ САИДОВ (интермедия ва юмор).

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармониясининг
«ГЎЗАЛ АНСАМБЛИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари — композитор Султон АНВАРОВ.

Музика раҳбари — Туйғун ОТАБОЕВ.

Программани — Абдуфаттоҳ САИДОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

ГРАЖДАНЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДА

«Г У Л И С И Ё Ҳ»

фирмаси

ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

ФИРМА ДАФН МАРОСИМИ БИЛАН БОҒЛИҚ БАРЧА ТАШКИЛИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРАДИ.

Фирма соат 9.00 дан 18.00 гача телефон орқали буюртмалар қабул қилади.

Адрес: Биринчи Май кўчаси, 95-уй. Телефон: 33-21-25.

ДОИМИЙ ИШГА

қўлда ҳарф терувчилар, линотипистлар, печатниклар, қабул қилувчилар, юқорида кўрсатилган ихтисослар бўйича шогирдлар, совутиш қурилмалари бўйича инженер, қозон қурилмалари бўйича слесарь, электромонтёрлар, лифтлар бўйича электромеханиклар, алоқа электромонтёрлари, токарь, слесарлар, полиграфия ускуналарини созловчилар ва слесарь-ремонтчилар, қоғоз қирқувчилар, машинистка, курьер, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, вахтёрлар, идиш-товоқларни йиғиштириб олувчилар, қурилиш касбларидаги ишчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

СССР Алоқа министрлигининг
ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ
6 ОЙЛИК КЕЧКИ ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚЎШИМЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Аризалар — 15 февралгача қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР — 16 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700189, Тошкент шаҳри — 189, У. Юсупов кўчаси, 70-уй (14, 48-автобуслар, 10-троллейбуснинг «Лабзак», 10, 23, 27-трамвайларнинг «Алоқа техникуми» бекатлари). Телефонлар: 41-43-62, 41-12-48, 41-17-86.

Тошкент шаҳар Киров районидаги 9-мактаб томонидан **Умарова Дилором Аҳмедовна** номига берилган 302022 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 13-ўрта мактаб томонидан **Юнусова Малика Юсуповна** номига берилган 025767 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

8 ФЕВРАЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «СССР Олий Советига сайловлар олдидан». 20.05 Рус денгизчилари жасоратининг 75 йиллигига. «Варяг» крейсери». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 Украина Россия билан қайта қўшилганлигининг 325 йиллигига бағишланган тантанали концерт. 2-бўлим. СССР Давлат академик Большой театридан трансляция пайтида ёзиб олинган.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Капелла». Болалар учун фильм-концерт. 18.15 «КПСС Марказий Комитети ноябрь (1978 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Таъминот ташкилотлари бир меъёрда ишласин!». (рус). 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 19.35 «4 март — СССР Олий Советига сайловлар куни». «Социалистик қонунчилик — давлат органлари фаолиятининг негизидир». 19.50 Ижрочи созандалар Республика конкурсининг лауреатлари М. Султонова ва А. Ким чалади. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ғазал оқшоми». Алишер Навоий. Кўрсатувни шоир Эркин Воҳидов олиб боради. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.20 «Телевидение экранида биринчи марта». «Қамал». Бадиий фильм. 1-серия. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

18.55 Кўрсатувлар программаси. 20.00 «Тошкент» телепрограммаси. «Пойтахт область далаларида». 20.30 «Касб танлаш». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.55 Тошкент янгиликлари.

9 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Звёздочка». Болалар учун киноальманах. 11.00 «Варяг» крейсери». Бадиий фильм. 12.25 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қишлоқдаги оддий иш кунлари». Кинопрограмма. 16.20 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун. Ўйин ўртасида. 16.50 «Қўшиғимиз, парвоз эт»!. 17.25 «Москва ва москваликлар».

17.55 Литва ССР камер хори оркестрининг концерти. 18.40 «Ёшлар адреслари». СССР Олий Советига депутатлигига номзод, Оренбург жун рўмоллар фабрикасининг тўқувчиси В. В. Кархалева ҳақида кўрсатув. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Хоккей бўйича халқаро учрашув. Миллий хоккей лигаси — СССР терма командалари. Нью-Йоркдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 22.35 «Олтин нота». ГДРдан олиб кўрсатилади. 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Эволюциянинг биогеографик далиллари». Биологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Оқ миноралардан йўл». «Архиз». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 12.30 «Эволюциянинг биогеографик далиллари». Биологиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 «Юмор телетеатри. В. Бурлилчев. «Сохта келин».

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ким хоккей ўйнайди». Болалар учун телефильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мен — Совет Иттифоқи гражданиман». 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Инсон болаликдан бошланади». 19.30 «Оламга саёҳат». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ҳамид Олимжон туғилган кунининг 70 йиллигига. «Бахт ва шодлик куйчиси». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Комплекс механизация — пахтачиликнинг бош йўли». 22.25 «Телевидение экранида биринчи марта». «Қамал». Бадиий фильм. 2-серия. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.30 Болалар учун фильм. «Капитанлар, капитанлар». 19.45 «4 март — СССР Олий Советига сайловлар куни». «Депутат ва ҳаёт». 20.15 «Кругозор». Илмий-оммабоп программа (рус.). 20.45 «Ўзбекистон комсомоллари — Кокоратупроқ ерларга». Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 20.55 Тошкент янгиликлари.

Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг шаҳар физиотерапевтика поликлиникаси коллективи бош врач ўринбосари, медицина фанлари кандидати А. К. Каримжоновга отаси **Каримжон ОБИДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
8 ФЕВРАЛЬ, 1979 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02 бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85, шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42, нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—12861. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Е— 1232.